

*Термиз археология музейи бўлим мудири: Шерзод Раджабов  
музей илмий ходими:Хуррамов Алишер*

**Аннотация:** Уибубу мақолада Шахматнинг қадимийлиги ва келиб чиқиши тарихи, Амир Темур ва Темурийлар сулоласи даврида шахматнинг ривожи, Амир Темур саройидаги шатранж усталари, буюк саркарданинг «пиёда»лари ҳақида илмий маълумотлар берилган.

Таянч сўз ва иборалар: Чатуранга, шатранг, шатранж, шахмат, шашқол, мансуба, қўр, археолог, Далварзинтепа, Кушон, Афросиёб, зебу, олия, оқсусяклар, империя, дебют, масала, рух, афсона, салаф, спорт устаси, чемпион, вариант, гроссмейстер. Шатранжи кабир, шатранжи сағир, дубоба, кунофа, зурофа, шатранжихозирона, шатранжи ғойибона, мансуба, олия, алфил, Табриз, филбанд, Маъмун.

Шахматнинг биринчи марта қачон ва қаерда пайдо бўлганлигига изоҳ топиш учун жаҳон олимлари бир неча асрлардан буён уриниб келадилар. Кўп маълумотлар шахматнинг биринчи ватани – Ҳиндистон эканлигидан далолат беради. Шахмат доналари орасида Ҳиндистонга хос филларнинг бўлиши, қадимий қўллэзмаларда “раджа” (шоҳ), “анга” (қўр) каби ҳиндча сўзларнинг қўлланилиши тарихчиларни шу тўхтамга олиб келди. Шахматнинг бошланғич формаси – “чатуранга” – эрамизнинг II–IV асрларида Ҳиндистоннинг Панҷоб ва Кашмир вилоятларида пайдо бўлган дейишга етарли асос бор (“чатур”–тўрт, “анга”–қўр, яъни тўрт қўр демакдир. Бу билан ҳиндлар: “жанговар филлар”, “отликлар”, “жанговар аравалар” ва “пиёдалар”дан иборат қўшинни англатганлар). Шахмат тарихини ойдинлаштиришда ўзбек тадқиқотчиларининг ҳиссаси самарали бўлган. 1972 йил охирларида ўзбек археолог олимлари Сурхондарё соҳилларида жойлашган Далварзинтепадан эрамизгача I–II асрлар, яъни Кушонлар империяси даврига оид бир қанча нодир буюмлар ва 2 та шахмат доначасини топганликлари жаҳон матбуотида катта шов–шув бўлди. 12 Орадан 5 йил ўтгач, Афросиёбдан топилган доналар дастлабки фараз ва хулосаларни тасдиқлади. Далварзинтепадан топилган “фил” ва “зебу” (хўқиз) доначалари ҳинд чатурангаси Фил Зебу (хўқиз) билан шатранж ўртасида пайдо бўлган ўйинга тегишли бўлса, Афросиёбдан топилган фил суюгидан ясалган еттита шахмат донаси – шоҳ, фарзин, от, фил ва пиёдалар нисбий кучларига монанд шаклларда акс эттирилган бўлиб, булар энди такомиллашган Ўрта Осиё шатранжига тегишли эканига шубҳа қилмаса ҳамбўларди. Бу доначалар кўп марталаб қўлдан-қўлга ўтганлиги, яъни ўйналганлиги туфайли таглари сипсиллиқ ҳолга келган. Пиёдалар баландлиги – 2 см, от ва филларники – 3 см, шоҳ ва фарзинники эса – 4,5 см шаклида ишланган. Археологларнинг хулосасига кўра, бу доначалар VI–VIII асрларга оиддир. 13 Афросиёбдан топилган фил суюгидан ясалган шахмат доначалари Қизиқ, шатранж доналари таркибига кирувчи Рух худди шу даврга оид қатламдан, Афросиёбдан эмас, балки Фарғона

вилояти худудидан шу аср бошларида топилган. Айни чоғда Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейида сақланмоқда. Заминимиздан шахмат доначаларининг топилиши – Сурхондарё худудида шахмат Осиёнинг бошқа жойларига қараганда анча аввал тарақкий этганилигидан далолат беради. 14 Чатуранга ҳозирги шахматга анча ўхшаса ҳам, лекин ундаги доналар сони ва ўйин тахтасининг кўриниши фарқ қиласди. Энг катта фарки шуки, ҳинд шахматида маҳсус шашқол бўлиб, ўйинда ютиш бу шашқолнинг қандай ҳолатда тушишига боғлиқ бўларди. IV–V асрларда ҳинд чатурангасининг қайсири формаси асосида бу ўйиннинг такомиллашган тури – шатранг пайдо бўлган деган хulosага олиб келади. Шатранг такомиллаша бориб, доналарининг сони жиҳатидан ҳам, тахтага терилиши жиҳатидан ҳам ҳозирги шахмат тусига киради. Шатранг ўйинида шашқол тошлари бора-бора қўлланилмайдиган бўлди, унда кураш рақиб доналарининг барчасини қириб ташлагунча эмас, балки шоҳни “мот” ёки “пот” қилгунча давом эттириладиган бўлди. Шатранг тўғрисидаги дастлабки маълумотлар Ўрта Осиё адабиётларида 600-йилларда тилга олинниши ва ҳинд чатурангаси ҳақидаги дастлабки маълумотлар эса VII асрда пайдо бўлиши ҳамда VIII–IX асрларда шатранг тўғрисидаги маълумотлар Ўрта Осиё адабиётларида кўп учраши бу ўйин Ўрта Осиёда тобора авж олганлигидан далолат беради. Кейинроқ бутунлай шатрангга бағишлиланган ўйин боши ва “мансуба”ларни (масалаларни) ўз ичига олган кўлёзмалар ҳам пайдо бўла бошлаган. 15 Рус шахмат тарихчиси ва назариячиси И.Майзелис “Чатуранга ва шатранг бир-биридан тамоман фарқ қилувчи ўйинлардир”<sup>2</sup> деган фикрни биринчи марта илгари сурди. Шатранг тез орада Ўрта Осиё билан чегарадош мамлакатларга ҳам тарқала бошлади. Эрон салтанати ва Ўрта Осиёнинг бир қисмини босиб олган араб истилочилари шатранг билан VII асрда танишадилар ва “шатранг” сўзини “шатранж” тарзида талаффуз қиладилар.

Амир Темур ва Темурийлар сулоласи даврида шахматнинг ривожи

Маълумки, қадимий Шарқ тахтасида саф тортувчи доналар қўшинни акс эттиради. Улар пиёдаю отлик, филу жанговар аравалар ва саркардалар эди. Кураш жараёни жиҳатидан ҳам икки томон жангини ифодаловчи атамалар жиҳатидан ҳам шахмат чинданжангжараёниниёдга солувчи ўйиндир.

Бинобарин, ёшлиқ чоғлариданоқ ўзини ҳарбий ишга шайлай бошлаган Амир Темур шатранж билан шуғулланмаслиги мумкинэмасэди. “Темур тузуклари”да унинг ўз эътирофича, шаҳар ва мамлакатларни кўпинча қурол кучи ёрдамида эмас, балки ақлзаковат, чукур тафаккур кўмагида шахмат тахтасидаги қонсиз курашдек силлиқина забт этар, рақибини мот қиласди. Бунинг учун у кечалари шатранж тахталари узра доналарни ҳаракатга келтириб, муайян тайёргарлик кўтар, кундузлари эса режаларини амалга оширади. Соҳибқирон ўз саройида шатранж мажлислари ўтказиб турган. Амир Темур илм-фан, маданият ва ҳунар аҳлларига ўз салоҳиятларини тобора ошириб боришлинига алоҳида аҳамият берган. Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун нафоис” асарининг шоҳлар ва шахзодаларга бағишлиланган қисмида сўзни Амир Темурдан бошлаб, соҳибқирон шеърайтмасада, баъзан шунчаки келтирган бир сатри шоирларни ҳам лол қолдиради, дейди. Темурнинг нозик шеър таъбига эга

эканлиги, ҳар жиҳатдан 20 санъаткор бўлганлигини таъкидлайди. Темур билимдонликда сухбатдошларини таажжубда қолдирганлиги тарихий манбалардан маълум. Темурийлар сулоласи даврида икки хил шахмат: шатранжи кабир ва шатранжи сағир мавжуд бўлган. Шатранжи кабирда (катта шахмат) сипохлар орасида дубоба (айик), зурофа (жирафа), кунофа (туя)лар ҳам бўлган. Амир Темур ана шундай 100 хонали шатранжда ўйнашни афзал қўрган. Шатранжи сағир (кичкина шахмат) эса 64 хонадан иборат тахтада ўйналадиган шахматдир. Тарихчи олим Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур бир куни яқин одамларидан бири билан шахмат ўйнаб ўтирган. У руҳи билан рақибини мот қилиб турган дақиқада ўғил кўрганини хабар қилишибди. Темур севинганидан фарзандининг исмини Шоҳруҳ қўйган экан. Худди шундай, рамзий мансубалардан яна бири Петербург университетининг профессори, таниқли рус шахмат устаси К. Янишга тегишли бўлиб, унда турк султони Боязиднинг 1402 йилдаги урушда Амир Темурдан енгилганлиги ўз ифодасини топган. Ушбу композицияни Яниш “Темурнинг темир қафаси” деб номлаган. Ўзига хос санъатга айланган шахмат ҳалол курашдан иборат мураккаб ўйин бўлганлиги сабабли жаҳон адабиёти йирик намояндадарининг, ҳатто айрим давлат арбобларининг эътиборини ўзига жалб қилиб келди. Маълумки, Шарқ маданиятининг атоқли вакилларидан бири Абулқосим Фирдавсий ўзининг машҳур “Шоҳнома” асарида (Х–XI асрлар) шахматга катта ўрин берган. Темурийлар даврида Ўрта Осиёда маданият қайтадан тараққий эта бошлади. Қисқа вақт ичиди ажойиб шоирлар, олимлар, меъморлар етишиб чиқди. Булар қатори шу даврда шахматнинг машҳур усталари ҳам пайдо бўлди. Бобокалонимиз Амир Темурнинг илм-фан ва маданиятни ривожлантириш бўйича бошлаган анъаналари ўзидан 21 кейин ҳам, Алишер Навоий замонида ҳам давом этди. Унинг фарзандлари, неваралари бу анъанага содик қолишган. Қадимги шатранж – шахматнинг ривожига Алишер Навоий ҳисса кўшганлигини, бу соҳанинг илғор вакилларига эътибор қаратиб, уларга раҳнамолик қилганлигини тарихий манбаларгина эмас, балки шоирнинг асарлари ҳам тасдиқлайди. “Мажолисун нафоис” асарида Навоий ўша давр илғор кишилари қаторида шахмат устодларини ҳам тилга олган. Жумладан, шоирнинг “Шатранжи кабир” ҳикоятида:

Икки шатранж ўйнагувчи устод,  
Арсаи шатранжга айлабон кушод.  
Икки жонибдин бўлиб оромгир,  
Тўқдилар ўртада шатранжи кабир.

каби сатрларга дуч келамиз. Бунда улуғ шоиримиз шатранжни усталик билан тавсифлангани, Навоий икки томоннинг бир-бирига қарши юришларини урушга ўхшатганлигини ва ҳарбий атамалардан кенг фойдаланганлигини айтади. Навоий доналарни кўриб ўйнашдан (шатранжи ҳозирона) ташқари тахтага қарамай, яъни доналарни кўрмай ўйнаш (шатранжи ғойибона) ҳам маълумлигини ва Хуросон шатранжчилари бу борада анчамаҳоратли эканлигини айтган.

Соҳибқирон Амир Темур шатранж (шахмат)га шунчаки эрмак ёки вақтини

хуш ўтқазиш учунгина эмас, балки ҳозирги замон тили билан айтганда, тактик назарий билимларни мустаҳкамлаш воситаси сифатида ҳам қарагани манбаларда келтирилган. Саркарда шахмат ўйнашни зинҳор канда қилмаган, атрофидагиларни ҳам шунга ундан, ўргатган. Темурийлар саройидаги бу аньана йиллар ўтиб унинг авлодлари ҳаётига кўчган.

Аслида ҳам шахмат ўйинининг тараққий этишида Марказий Осиё халқлари муҳим ўрин тутган. Масалан, Абу Райҳон Берунийнинг “Хиндистон”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи Саъдайн ва мажмаи баҳрайн”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Лисон ут-тайр”, Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома”си ва бошқа тарихий асарларда шахматга доир қимматли маълумотлар келтирилган. Амир Темур даврида эса кучли шатранжчилар рўйи замин сайқали — Самарқандда жамланган, бир-бирлари билан дона сурган. Темур ташкил этган мусобақаларда кўп бор ғолибликни кўлга киритган табризлик аш-Шатранжий (Оловиддин ат-Табризий) шатранж ҳақида китоб ёзиб, унда ўзи ҳамда ХИВ асрнга Марказий Осиёда яшаган кўплаб олия (громсмейстер)лар ҳақида маълумот берган. У ҳаттоки Соҳибқироннинг ўзи билан ҳам шатранж ўйнаб турган. Икки йилча аввал Францияда нашр этиладиган “Ле Фигаро” кундалик газетасида “Жаҳон тарихидаги буюк саркардалар. Амир Темур” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда мақола муаллифи — франциялик тарихшунос олим Арно Блин давлатчилик курилиши, илм-фан, маърифат ва маданият тараққиётiga улкан ҳисса қўшган буюк саркарда ва давлат арбоби тўғрисида диққатга сазовор фикрларни баён қиласди. Жумладан, мақолада шахмат ўйинининг моҳир устаси бўлган Амир Темур ҳарбий юришлари чоғида, жанг жараёнини тўлақонли ва аниқ идрок эта олиш, мураккаб вазиятларда тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятига эга бўлгани айтилади. Дарҳақиқат, Амир Темур шахмат ўйинининг ишқибози бўлган, уни жуда қадрлаган. У муҳим масалаларни шахмат таҳтаси атрофида ҳал этган. Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришича, буюк саркарда ҳаддан зиёд банд бўлишига қарамай, доимо шахмат учун вақт ажратса олган. Мисол учун, давлат ишлари, оила ташвишлари билан банд бўлганида ҳам ёки олис мамлакатларга сафарлари, аёвсиз жанглар оралиғида ҳам шахмат билан ҳамнафас бўлган. Чунки шахмат билан машғул бўлган вақтлари ўзида руҳий хотиржамлик ва ишончни ҳис қилган, қолаверса, бўлажак тактик юришлари режа ҳамда ғояси айни шу онларда туғилган экан. Манбаларда айтилишича, Соҳибқирон умрининг сўнгги кунларига қадар деярли ҳар қуни шахматга вақт ажратган. Шахматга меҳр унда ёшлиқдан бошланган. Даставвал “ақл чархи”нинг қонун-қоидаларини отасидан, кейинчалик устози шайх Шамсиддин Кулолдан қунт билан ўрганади. Темурнинг кучли хотираси унинг қисқа вақт ичидаги шахматнинг моҳир устаси бўлишида муҳим ўрин тутади. У усувларни, қайси рақиб билан қандай ўйнаш кераклиги ва шахмат психологиясини кучли ўзлаштиради. Шамсиддин Кулол ёш шогирдига шахмат орқали узоқни кўра олиш, режали, мулоҳазакор ва тадбиркорлик билан иш юритиш, шахмат ўйини ва ҳақиқий ҳаёт ўртасидаги масофани ажратса олиш ва ўз навбатида, улардаги ўзаро ўхшаш жиҳатларни пайқашни ўргатади. Шу боис унинг тарихий

ғалабаларида шахматнинг ўрни юқори, дейиш мумкин. Соҳибқирон шахматда муҳим юриш олдидан одатига кўра, қуюқ соқолини ўйчан сийпаларди, бу одат унга керакли комбинацияни танлаш, бор имкониятларни чамалаш ва ҳисоблаб чиқишида ёрдам берган. Эътиборлиси, у ҳар доим қора доналарда ўйнаган. Сабаби у “қора”ларда ўзига хослик ва чуқур теранликни ҳис қилган. Маълумки, Амир Темур бирор душманга ҳужум қилиш олдидан ўша юрт ҳукмдори билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга, зиддиятни тинчлик йўли билан ҳал қилишга уринган. Чунки шахматда ҳам ўйинни “қора”лар эмас, аксинча, “оқ”лар бошлайди. Оқ доналар ташаббус ва имтиёзга эга бўлади, “қора”лар эса уларнинг зарбасига қарши жавоб қайтаради. Темурни бу ҳолат қаноатлантирган. Шу боис у кўпинча оқ дона сурган рақибига ҳужум қилишига, мақсади ва ниятини очиқ-ойдин кўрсатишига имконият берган. Саркарда агарда қора доналар орқали мустаҳкам мудофаа йўлга кўйилса, “оқ”ларнинг ҳар қандай ҳужуми муваффақиятсизликка учрайди, деб ҳисоблаган.“Амир Темур шахмати” ҳалқ орасида жуда оммалашиб кетган.

Амир Темур саройидаги шатранж усталари

XIV асрнинг иккинчи ярмида Табризда, кейинчалик Эрон ва Озарбайжонда яшаган Хожа Али Табризий ўша даврда шуҳрат топган шахматчи сифатида таърифланади. У шатранж илмида устод даражасига кўтарилиганди. Ҳатто, ғойибона шахмат ўйинида ҳам ажойиб ўйинлар кўрсатган. У Амир Темур уюштирган шахмат мажлисларининг доимий иштирокчиси бўлган. Хожа Али Табризий бир вақтнинг ўзида тўрт киши билан тўртта таҳтада ғойибона ўйнай олган. 22 Ҳолбуки, у даврларда Европада бу усул билан икки таҳтада ўйнаганлар. Амир Темурнинг фармони билан Хожа Али Табризий уста шатранжчи сифатида Самарқандга олиб келингач, Али Шатранжий Самарқандий номи билан шуҳрат топган. XV–XVI асрларда Темур саройида яшаган Али Шатранжий моҳир амалий ўйинчи бўлиш билан бирга, маҳоратли шатранж назариячиси ҳам эди. Ўша даврнинг Ўрта Осиё ва араб қўлёзмалари дебютлар ва ўйин таҳлилларига бағишлиланган, асосан масалалар тўплами, аниқроқ қилиб айтганда, “мансуба”лардан иборат эди. Ўйналган партиялар (ўзига хос шахмат нотацияси – алифбеси бўйича ёзилган) ва яратилган ажойиб мансубалардан озгинаси бизгacha етиб келган. Буни Абул-Абнинг IX асрга тааллуқли қўлёзмаси исботлайди. Буюк рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстой шундай деган эди: “Мен шахматни инсонга ҳордиқ бериши учун хуш кўраман, шахмат чуқур ўйлаб, иш кўришни талаб этади. Киши қанчалик ақлли бўлса, у шунча кўп характерни кўра олади. Бу худди шахматдагидек, яъни моҳир шахматчи таҳтадаги жамики сирларни пайқай олса, ёмон ўйинчига ҳамма нарса бирдек туюлади”. Шахматда тасодифий ўхшашлик ва кутилмаган комбинациялар бўлганидек, ҳаётда ундан ҳам қизиқроқ воқеалар содир бўлади. Биласизми, шахмат ўйинининг моҳияти кескин ҳужум бошлаш, кутилмаган ва қалтис юришлар қилиш эмас, балки доналарнинг мураккаб бирлашувининг оҳиста ва ҳаккаламай олға қилган ҳаракатидан иборатлигини унутмаслик даркор. Ҳар бир шахмат катакчалари – санъат демакдир. Уни бойитмоқ даркор. Буни уddyalай олмайдиганлар бошқа санъатдан ўз катагига бирор нарсани сурисиб

оладиларда, янги бир нарса яратдим, деб ўйлайдилар.

Буюк саркарданинг пиёдалари

Айрим муаррихларнинг ёзишича, ҳарб илми ва шатранжда тенгсиз Соҳибқирон Амир Темур одатдаги шахматнинг қонун-қоидаларини ислоҳ қилиб, мураккаб шахмат турини яратган ва унга “Шатранжи комил” ёки “Шатранж ал-кабир”, деб ном берган. Бу ўйин Соҳибқирон ҳукмронлиги даврида Форсда, Ўрта Шарқда аҳоли орасида кенг тарқалган. Бу қанчалик ҳақиқатлиги маълум эмас. Бироқ ишончли манбаларда мазкур шахмат тури ҳозирга қадар Темур номи билан боғланади. Аслида 1658 йили форс олими ҳожи Халифа илк бор Амир Темур шахмати, унинг қонун-қоидалари ҳақида ёзиган қолдиради. Аммо у ҳам мазкур маълумотларни бошқа бир муаллиф, яъни Соҳибқирон саройида яшаган машхур шахмат устаси Али аш-Шатранжий номидан келтиради. Яна шунингдек, Амир Темурнинг шахматга қаттиқ меҳр қўйганини тарихчи Ибн Арабшоҳнинг асарларидан ҳам ўқиш мумкин. Европада эса Темур яратган мураккаб шахмат тури ҳақида биринчи марта 1860 йили англиялик тилшунос олим Дункан Форбс “Шахмат тарихи” китобида маълум қилади. Маълумки, 1360 йилдан бошлаб темурийлар империяси ва Олтин Ўрда ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар юзага кела бошлаган. Амир Темур Тўхтамишхон қўшинига қарши бир қанча юриш қилиб, ғалабага эришган. Аммо Тўхтамишхон ҳар сафар яна бош қўттараверади. Ниҳоят, 1395 йили у батамом мағлуб этилди. Энг қизиги, манбаларда айтилишича, айнан шу йиллар мобайнида Мўғулистонда Темур ўзи яратган 112 катакли шахмат таҳтасида мулозимлари билан дона суриб ўтирганида, чопарлар унга иккита қувончли хабар келтиришади. Биринчи хабар, у ўғил фарзанд кўргани, иккинчиси эса унинг амри билан Сайхун бўйида барпо қилдирилаётган шаҳар битгани ҳақида эди. Саркарда бу икки хушхабарни шахматда рақибига эндиғина рух билан шоҳ берган пайти эшитгани учун ўғлига Шоҳруҳ, шаҳарга эса Шоҳруҳия деб ном беради. Бу ҳақда Георгий Александрович ва Ефим Столлярнинг шахмат тарихига оид ёзилган “Кўпкиррали Каисса” тўпламида ҳам айтиб ўтилган. Хўш, буюк саркарда яратган шахмат ўйини замонавий шахматдан нимаси билан фарқланади? Аввало, “Темур шахмати” таҳтаси бир хил рангда бўлиб, ўн қатор, ўн бир устун ва 112 катақдан иборат (замонавий шахмат эса 64 катақ ва 8 устун ҳамда қаторга бўлинган). Эътиборлиси, шахмат доскасига иккита қўшимча катақ ҳам қўшилган. Улардан бири чапдаги ўнинчи қаторда, иккинчиси эса ўнгдаги иккинчи қаторда. Бу қўшимча иккита катақ ўйин давомида суюнч “қўргонча” вазифасини ўташи кўзда тутилган ва у мазкур шахмат турида жуда муҳим ўрин тутган. Бошқача қилиб айтганда, “қўргонча” “шоҳ” учун бошпана ёки чекиниш йўли функциясини бажарган. “Шоҳ”дан ташқари, бошқа сипоҳлар “қўргонча”га кириш ҳуқуқига эга бўлмаган. Аҳамиятлиси, ўйин давомида қайсиadir шахматчи ўз “шоҳ”ини рақибнинг “қўргонча”сига жойлаштиrsa, ўйин дуранг натижа билан якунига етган. Маълумки, одатдаги шахматда “пиёда”ларнинг имконияти ҳам, юриш қоидалари ҳам бир хил. “Амир Темур шахмати”да эса “пиёда” сипоҳлар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Масалан, “пиёда-шоҳ”, “пиёда-вазир”, “пиёда-қўмондон” каби, шунингдек, “пиёда-пиёда” сипоҳи ҳам мавжуд эди.

Аммо мазкур шахмат тури қайсиdir даврда изсиз йўқолиб кетган, бугун эса шахмат усталари ва муҳлисларига унинг айrim қонун-қоидалари маълум, холос.

Хозирга қадар мазкур мураккаб шахмат турини буюк саркарда яратган ёки яратмаганига оид мавзу ҳамон баҳсли. Аммо кўплаб ишончли манбаларда бу шахматни айнан Соҳибқирон ўйлаб топгани айтилади. Зеро, Амир Темур ўз даврининг етук саркардаси бўлиши билан бирга кўпгина дунёвий илмларни ҳам чуқур эгаллаган зукко шахс бўлган. Шу боисдан мазкур гапга ишонса бўлади. Негаки, бунга унинг салоҳияти ҳам, беназир ақл-идроқи ҳам етарли эди. Маълумот сифатида айтиш жоизки, Амир Темур шахмат доначалари бугунда Термиз археология музейининг Амир Темир ва темурийлар кўргазма залида ҳам кўриш мумкин. Залнинг марказий қисмида намойиш этилаётган Қумқўрғон туманидан топилган шахмат доналари киши диққатини ўзига жалб этади. Сирланган сополдан тайёрланган ва турли нақшлар билдан безатилган шахмат доналари ҳозирча республика музейларида сақланаётган ва намойиш этилаётган тўлиқ ҳолатда топилган шахматнинг ягона нусхаси ҳисобланади. Айнан ушбу шахмат доначалари XIV-асрларга тегишли бўлиб, шахмат доначаларининг умумий сони 32 тани ташкил этади.

Сўз якунида айтиш лозимки, шахмат – адолат, инклузивлик ва ўзаро хурматни рағбатлантирадиган глобал ўйин. У мамлакатлар ва халқлар ўртасида бағрикенглик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини яратишга ёрдам беради. Баъзи олимлар шахмат ўйнашни Альцгеймер касаллигига даво сифатида тавсия қиладилар. Илмий тадқиқотлар давомида ушбу ўйин ижодкорлик ва концентрацияни яхшилаши мумкинлиги аниқланди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Мухиддинов М. “Шахмат”. Тошкент., “Ўқитувчи”, 2007 йил

Шоҳруҳ номи шахмат билан боғлиқ...ми? 15:35 / 11.12.2016 Азизбек НОРОВ.

14 992 Ҳаёт учун <https://zamin.uz/>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ НАБИЖОН НОРБОЕВ ШАХМАТ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ Ўқув қўлланма “Yosh kuch“ ТОШКЕНТ 2021

Мухиддинов М.“Соҳибқирон дона сурганда”. Тошкент., “Айн”, 2006 йил ИПАК ЙўЛИ БЎЙЛАБ АНЬАНАВИЙ СТРАТЕГИЯ ЎЙНИ – ШАХМАТ ҲАҚИДА БАТАФСИЛ

“ШОҲ ЎЛДИ”. БУЮК ИПАК ЙўЛИ